



Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



2001 йил 3 апрел сешанба  
Сотувда эркин нархда  
№ 66 (2628)

# 10 ЎЗБЕКИСТОН

БҮЮК КЕЛАЖАК САРИ

## Менежмент маркази

### Ҳомийлигида

Германиянинг Бавария Федерал ери Фарб-Шарк менежмент маркази билан Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ўртасида қатор ҳамкорлик шартномалари тузилди.

Мазкур нуфузли марказ ташкил этилганлигининг 10 йиллиги муносабати билан аяқинда Германияда ўтказилган халқаро анжуманида вазирлик делегацияси ҳам иштирок этди.

Мазкур сафар чоғида ўзбекистонлик тadbirkorлар малакасини ошириш масаласи кўрилди. Ўзаро келишувга мувофиқ 100 нафар мутахассис немислар диёрига йўл оладиган бўлди. Барча сарф-харажатларни Германия томони ўз зиммасига олди.

## Яна бир коллеж

Бўзлик қурувчилар Наврўз шодиёналари давом этаётган шу кунларда ёшларга ана бир муҳташам бинони тўхфа этишди. Касб-хунар лицейи негизда қурилиш касб-хунар коллежи фаолият кўрсата бошлади. Ҳар йили икки юз ўқувчини ўз бағрига оладиган мазкур даргоҳда бешта иқтисодлик бўйича кичик мутахассислар тайёрланади.

## Хўжакентда газ машъаласи

Бўстонлик туманининг юқори тоғ қишлоқларини газлаштириш бошланди. Кунни кеча 20 километр узунликдаги Барраж-Чорвоқ юқори босимли газ магистралли фойдаланишга топширилди.

Навбат Хумсон, Қизилсув, Чимбойлик, Хўжакент қишлоқларини газлаштиришга келди.

## «Соғлом авлод гунчалари»

«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси қошида «Соғлом авлод гунчалари» театр-студияси ташкил этилди. 16 ёшдан 20 ёшгача бўлган ўндан зиёд ёш бирлаштирган театр ҳаваскорлари «Хунардан зар унар» спектаклини намойиш этишди.

Театр-студияси ҳаваскорлари кейинги спектакллари мақблор, болалар боғчалари ва меҳрибонлик уйларида намойиш этадиган бўлиши.

## Хусусий жарроҳлик маркази

Поп туманида хусусий жарроҳлик маркази очилди. Ҳозирча бир йўла ўн беморга малакали тиббий хизмат кўрсатиш имкониятига эга бўлган ушбу марказ замонавий тиббиёт асбоб-усуналари билан жиҳозланди.

— Мақсадимиз, халқимиз саломатлигини муҳофаза қилишга баҳоли қудрат ҳисса қўшиш, — дейди марказ раҳбари Бахтиёр Ортиқов.

## Анъанада янгилик

Фарғона вилоят ҳокими соврини учун ўтказилган анъанавий «Ташаббус-2001» танловига бу йил бир оз ўзгариш киритилди. «Энг яхши тadbirkor», «Энг яхши фермер», «Энг яхши хунарманд» танловларидан ташқари «Энг яхши технология», «Энг яхши лойиҳа», «Энг яхши намунали солиқ тўловчи», «Энг яхши патент ўрнини босувчи маҳсулот» деб номланган турлар бўйича ҳам танлов ўтказилди.

Ўзбекистон туманидаги Имомали Назаров раҳбарлик қилаётган «Умид» фермер хўжалиги «Энг яхши фермер» деб, «Энг яхши тadbirkor» деб Қўқонлик Гафур Сулаймонов, «Энг яхши хунарманд» деб эса риштонлик Алишер Назаров топилди.

## ПРЕЗИДЕНТ ГЕРМАНИЯГА ЖЎНАБ КЕТДИ

Германия дунёнинг ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий жиҳатдан энг нуфузли давлатларидан биридир. Айниқса, унинг сўнгги йилларда иқтисодий соҳада қўлга киритаётган ютуқлари салмоқли бўлаётди. Германия савдо-сотиқ бўйича дунёда иккинчи, ялпи ички маҳсулот ҳажми бўйича учинчи ўринда турибди. Ҳозир жаҳонда бирор давлат йўқки, унга немислар маҳсулоти ёки технологияси кириб бормаган бўлса. Сабаби, ГФРнинг юқори сифат ва нозик дид билан ишлаб чиқарилган маҳсулотлари аллақачон харидорлар ишончини оқлаб бўлган. Шунинг учун кўпчилик Германия билан манфаатли ҳамкорлик ўрнатишга, унинг технологиялари ва тажрибаларига таянган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқаришга ҳаракат қилади. Унинг ана шундай ҳамкорлари орасида мамлакатимиз ҳам бор.

Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов шу йилнинг 2-5 апрел кунлари Германияга амалга оширажак расмий ташофи олдидан Тошкент аэропортида оммавий ахборот воситалари вакилларига интервью берар экан, бу ҳақда, жумладан, шундай деди:

— Ўзбекистоннинг ташқи дунё билан савдо-иқтисодий ҳамкорлигида Германия муҳим ўрнини эгаллайди. Мамлакатимиз билан Германия ўртасида барча соҳаларда манфаатли ва ишончли ҳамкорлик қарор топган ва у йилдан йилга ривожланиб бормоқда. Бугун юртимизда немис ишбилармонлари билан ҳамкорликда тузилган кўплаб

қўшма корхоналар муваффақият билан фаолият кўрсатмоқда. Германияликларнинг юртимиз иқтисодиётига киритаётган сармояси ҳажми ҳам торабора ортиб бораётди. Шу кунгача эллиқдан ортиқ йирик қўшма лойиҳа амалга оширилган.

Ташриф асносида Германия раҳбарлари, ишбилармон доиралар вакиллари билан учрашувлар ўтказилади. Музокараларда нафақат иқтисодий, балки сиёсий алоқаларни кенгайтириш билан боғлиқ масалалар ҳам кенг муҳокама қилинади.

Минтақамизда тинчлик ва барқарорликни мустақамлаш, террорчилик, уюшган жиноятчилик ва ноқонуний наркотик савдосига қарши курашда Германия кўрсатаётган ёрдам муҳим ўрин тутди. Шу жиҳатдан, икки давлат ўртасида ҳуқуқни муҳофаза қилиш соҳасида ўзаро алоқаларни янада ривожлантиришнинг ҳам аҳамияти катта. Сўнгги йилларда мамлакатимиз Ички ишлар вазирлиги тизимидан уч мингга яқин ходим ушбу мамлакатда бўлиб, ҳамкасбларининг фаолияти билан танишгани ва тажриба орттириб қайтгани эътиборга молик.

Ўзбекистон билан Германия ўртасида шу кунгача давлат ва ҳукумат, шунингдек, вазирликлар даражасида эллиқдан ортиқ ҳужжат қабул қилинган. Президентимизнинг ГФРга буораётган бу галги расмий ташрифи доирасида яна ўндан ортиқ ҳужжат имзоланиши кутилмоқда.

Равшан МАҲМУДОВ,  
ЎЗА мухбири.



## ИСЛОМ КАРИМОВ БЕРЛИНГА ЕТИБ КЕЛДИ

БЕРЛИН. (ЎЗА махсус мухбири Анвар Каримов хабар қилади). Шу кунни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг самолёти Берлиндаги Тегел аэропортига келиб қўнди. Ўзбекистон, ГФР ва Европа Иттифоқи байроқлари билан безатилган аэропортда мамлакатимиз раҳбарини Германия Ташқи ишлар вазирлиги протоколи бошлиғи Ю. Штёлтцер кутиб олди. Ислам Каримов «Палас Берлин» меҳмонхонасига жойлашди.

(ЎЗА).

## Нодавлат нотижорат ташкилотлари

Унинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётдаги ўрни қандай бўлиши керак?

Бухоро шаҳрида бўлиб ўтган «Бухоро, Навоий ва Сурхондарё вилоятлари ижтимоий-иқтисодий тараққиётда нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўрни» мавзусидаги минтақавий конференцияда ана шу саволга жавоб изланди.

Конференция Олий Мажлисининг Демократик институтига, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитаси, АҚШ Халқаро Тараққиёт Агенчилиги ҳамда Винрок Интернэшнл халқаро ташкилотларининг Ўзбекистондаги ваколатхоналари ташаббуси билан ўтказилди.

Анжуман қатнашчилари Ўзбекистонда кучли давлатдан кучли жамият сари ўтиш ислоҳотларининг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланган ҳозирги даврда минтақавий конференция муҳокамасига кириштирилган давлат органлари ва нодавлат ташкилотлар ўртасидаги ижтимоий ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш билан боғлиқ масалалар қанчалик долзарб эканлигини алоҳида таъкидлади. Ай-

Айни чоғда, ҳар бир сектор вакиллари ушбу қонунийликдан тўла хабардор эмаслиги, ўзаро ижтимоий ҳамкорликни йўлга қўйиш борасидаги тажрибасизлик ва фаолиятсизлик каби салбий ҳолатлар туфайли жойларда ўзаро ижтимоий ҳамкорликнинг ривожланиши бир қадар суст бораётгани кузатиладиганлиги ҳам қайд этилди.

Конференцияда ана шу муаммолар атрофида таҳлил қилинди, давлат органлари, тижорат корхоналари ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотларининг ижтимоий масалаларини ҳал этишдаги умумий фаолият йўналишларини аниқлаш ва жамият фаолигини ошириш борасида биргаликда саръ-харажат кўрсатиш зарурлиги таъкидланди.

Ўз мухбири.

## БЕРЛИНДА ТАҚДИМОТ МАРОСИМИ

Берлинда профессор Леонид Левитиннинг Кембридж наشريётида чоп этилган «Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида» номли китобининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

Германиядаги Конрад Аденауэр номли жамғармининг анжуманилар залида расмий ва ишбилармон ҳамда илмий доиралар, нодавлат ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари, шунингдек, Германия Федератив Республикасида аккредитациядан ўтган дипломатия корпуси вакиллари тўпланишди.

Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги Элвэр Ганиев тақдимот маросимини очар экан, республиканинг қарор топиши жараёнида дуч келинган аниқ ва ҳаётий муҳим масалаларнинг ҳал этилиши жиҳатлари ўз ифодасини топган мазкур китобнинг дунё юзини кўриши мамлакатимиз учун нечоғли муҳим ва аҳамиятли эканини алоҳида таъкидлади.

Марказий Осиёни ўрганиш борасида обрўли мутахассислардан бири сифатида тан олинган Германия Шарқшунослик институти директори Удо Штайнбах мазкур китобни тақдимот маросимида таъкидлади.

Удо Штайнбах йилдан йилга мурожаат этар экан, мазкур китобда Ўзбекистон ҳаётининг барча соҳаларида, янги демократик жамият ва давлат қурилишида қўлга киритилган ютуқлар ҳолисона таҳлил этилганини қайд

ҳаққоний ёритиб берилганлигига қаратди.

Германия ташқи сиёсат жамиятининг Мустанкил Давлатлар Ҳамдўстлиги бўлими раҳбари Александр Рар «Ҳақиқатан ҳам, Ўзбекистонда қўлга киритилган ютуқлар жаҳон майдонида юқори обрўга эга бўлган Президент Ислам Каримов шахси билан бевосита боғлиқ эканини қайд этди. У ўз сўзида давом этиб, «Китобда асосий эътибор Ислам Каримовга қаратилганини тасодифий ҳол эмаслигини, чунки Ўзбекистон халқининг келажакка бўлган ишончи айнан унинг номи билан боғлиқ эканини» айтди.

А.Рар бу хусусда тўхталар экан, «Мен Леонид Левитиннинг «Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида» номли китобини ўқиб, Ўзбекистон ва умуман Марказий Осиё минтақаси ақин келажакда нафақат қўшни давлатлар, балки Фарбий Европа мамлакатларининг хавфсизлиги ҳамда манфаатларига ҳам қатта таъсир ўтказишига ишонч ҳосил қилдим», дея таъкидлади.

У йилгиланлар эътиборини Ўзбекистонда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг Германия томонидан янада фойдаланиш ҳамда республика иқтисодиётига, хусусан, транспорт инфратузилмасига Германия сармояларини янада кўпроқ киритиш зарур эканлигига қаратди.

«Германия-Ўзбекистон» жамияти вице-президенти Колин Дюркок бугунги кунда Ўзбекистондаги жараёнлар ҳақида кенг маълумотларни қамраб олган Леонид Левитиннинг ушбу китоби, шубҳасиз, республиканинг ўзи танлаган йўлига содиқлиги, унинг ички ва ташқи сиёсати тўғрисидаги далолат беришини таъкидлади.

У Ўзбекистонга нисбатан илиқлик ва меҳр-муҳаббат ҳисси билан ёзилган мазкур китоб ўзбек ва немис халқларини янада яқинлаштиришга хизмат қилаётганига умид билдирди.

— Бу сўзлар, айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Германияга ташрифи арафасида янада долзарб маъно касб этади, — дея сўзида давом этди Колин Дюркок. — Ишончли қўшма иш, ушбу ташриф давлатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг янада ривожланишида муҳим омили бўлади.

Тақдимот маросими қатнашчилари асар муаллифи Леонид Левитиннинг чиқиши алоҳида қизиқиб билан тингладилар. «Ўзбекистон ҳақида ёзиш — унинг Президенти ҳақида ёзишдир», деб таъкидлади. «Бу мамлакатда бўлаётган воқеалар ва жараёнларда Ислам Каримов тугган ўрин ана шундайдир. Бунда заррача ҳам мулобага йўқ, АҚШ тарихидаги муайян даврларда Рузвельт, Англия-

да Черчилль, Францияда Де Голь қандай аҳамият касб этган бўлса собиқ шўролар давридан кейинги Ўзбекистон учун Ислам Каримов ҳам ана шундай ёрқин шахсдир, деб ҳисоблаганман ва бундан кейин ҳам шундай деб биламан. Ўз фаолиятининг кўпгина ўйи муҳим йўналишлари бўйича мен Президент Каримовнинг тарафдори бўлганман ва бўлиб қолаверман».

— Давлатни оқилона бошқариш — хавф-хатарни қамқатириш ва уни халқдан узоқлаштиришдир, ўзбек халқининг буюк алломаси ал-Фаробий қаламига мансуб ушбу мазмунан чуқур фикр Ислам Каримов сиёсатининг асосида ётади, — деди Л.Левитин.

Профессор ўз сўзида давом этар экан, «Ислам Каримов мамлакат раҳбарлигига келганида, Ўзбекистон жар ёқасига келиб қолган эди. Бундай фожеали воқеалар йўналишини ҳеч ким ортага қайтариш олмайдигандек туюлган эди. Айнан шу даврда қисматига мамлакатни кутқариб қолиш ёзилган Ислам Каримов давлат раҳбарлигига келди ва у мазкур вазифани бажара олди», дея таъкидлади.

Леонид Левитин йилгиланларга «айнан Ислам Каримов ўғмиша, Трансаксония ва Мовароуннахрнинг буюк алломаларига, ислом тарихининг дастлабки юз йилликларига қашшофларига қўл узатганини айтди. У ал-Фаробий, ал-Хоразмий, ал-Бухорий, ал-Фаробий ва Ибн Сино, ал-Беруний, Алишер Навоий ҳамда Мирзо

(Давоми 2-бетда).

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида

Олий Мажлисининг Ижтимоий масалалар ва бандлик кўмитасининг бўлиб ўтган навбатдаги йилги йиғилишида «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг Хоразм вилоятидаги ижроси кўриб чиқилди. Уни мазкур кўмита раиси М. Сафаева олиб борди.

Йиғилишда қонун ижроси юзасидан бажарилган ишлар билан баргаликда бир қатор камчиликлар ҳам борлиги айтиб ўтилди. Жумладан, Қонуннинг ижросини таъминлаш борасидаги Давлат дастурлари ва ҳукумат қарорларини туман ҳокимликлари старли даражада амалга оширишмапти. Чунончи, туман ҳокимликларининг қарорларида жойлаш шароити, муҳит, имкониятлар ҳисобга олинмаган. Ишлаб чиқилган дастурларнинг саълиги, уларда бажарувчиларнинг имкониятига тўғри келмайдиган ва зифатар юклар қўйилганини, ижрочи ташкилотлар (туман ижтимоий таъминот ва халқ таълим бўлими) томонидан керакли тadbirkorлар белгилашмагани таъкидланди.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 11 ноябрдаги 433-қарорига асосан 2000 йилда фойдаланишга топширилган режалаштирилган ногиронларни реабилитация қилиш маркази

тартибсизликлар талайгина. Болаларга берилётган кундалик озиқ-овқат меъёрига риоя этилмаган.

Муаммолардан ана бири шундаки, ижтимоий инфратузилма объектларида ногиронларнинг кириб-чиқиши учун кулайликлар яратилмаган. Янги қурилатган бино ва ишоотларнинг лойиҳаларини тайёрлаш ва фойдаланишга топширишда ногиронлар жамиятининг вакиллари тақлиф этилмаган. Аявал қурилган ва фойдаланилаётган биноларни ногиронлар учун мослаштириш бўйича вилоят архитектура бошқармаси чора-тадбирларни белгилаш у ёқда турсин, ҳатто режа ҳам туманнинг қандай тушуноқ керак?

Қўмита йиғилишида қабул қилинган қарорда республика Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, Соғлиқни сақлаш вазирликларида, «Давархитектура» кўмитасига, вилоят ҳокимлигига қонун ижросини ўрганиш жараёнида аниқланган камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш масалалари тасвир этилди.

Эркин МАВЛОНОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

Азиз муштарий! Сизга хуш кайфият тилаган ҳолда газетамиз учун обуна давом этаётганлигини маълум қиламиз.





